



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 1 ноябрь, № 232 (8575)

Чоршанба Сайтизмизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯҚИН ШАРҚДА КЕСКИНЛАШАЁТГАН ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни ўтказган гидроэнергетика соҳасида амалга оширилган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш аввалида ҳозирги кунда бутун дунёда катта ташвиш ва хавотир уйғотаётган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

“Маълумки, Исроил армияси ва “Хамас” ҳаракати ўртасида давом этаётган қуроли тўқнашувлар гуманитар инқирозни чуқурлаштирмоқда, тинч, беғуноҳ аҳоли орасида кўп сонли қурбонларга олиб келмоқда.

Болалар ва аёллар ҳалок бўлмоқда, одамлар бошпанасидан айрилмоқда, ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда.

Биз Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик ихсоз этамиз.

Мен Ҳазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратиб ҳақида қарор қабул қилдим.

Биз Фаластин халқи билан бирдам эканлигимизни қатъий билдирамиз ва унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг илгари қабул қилинган резолюцияларига мувофиқ ўз мустақил давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз.

Зуравонлик янада авж олаверса, бу халқро вазиётнинг кенг миқёсда издан чиқишига, қуроли тўқнашувларга янги кучлар тортилишига олиб келади.

Буларнинг барчаси Яқин

Шарқ минтақаси билан чекланмай, узоқ ўлкаларга ҳам тарқалиб кетадиган, оқибатини башорат қилиб бўлмайди диган фожиаларга олиб келиши мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар икки томонни зудлик билан гуманитар мақсадларда муроасага келишга, жанговар ҳаракатларни тўхтатиб, низоини тинчлик йўли билан ҳал этишга чақирамиз.

Маълумки, биз яшаётган Марказий Осиё минтақаси турли миллат ва конфессиялар вакилларининг ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши бўйича ноёб таърибга эга. Бу заминда асрлар давомида муслмон, христиан ва яҳудийлар дўстлик ва ҳамжиҳатликда ёнма-ён яшаб келаяптилар.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга, аввало, ёшларимизга мурожаат қилиб, уларни турли ёлгон ташвиқотларга берилмасликка, қонунга зид хатти-ҳаракатларни содир этмасликка чақираман.

Бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва оқилоллик ҳаётимизни, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлигимизни барчамиз биргаликда асрашимиз зарур”, деди давлатимиз раҳбари.

Ў.А.

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни гидроэнергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва энергетика тизимини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича вазифалар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Гидроэлектр станциялар кунлик энергияни барқарор таъминлашда энг самарали восита. Улардан олинган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда.

Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги гидроэнергетика салоҳияти 8 минг мегаваттга ташкил қилади. Лекин ҳозир бунинг 2 минг 200 мегаватти ишлатилмоқда, ҳолос. Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган.

Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микроГЭСларни қуриш истиқоматига тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан қафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

Йиғилишда соҳадаги лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди. Бу йил 20 та, 2024 йилда 38 та кичик ва микроГЭС қуриш режалаштирилган, лекин айрим лойиҳалар кечикаётгани қайд этилди. Вилоят ҳокимлари яқин ойларда бу йилги 20 та станция ишга туширилиши ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан жами қуввати 197 мегаватт бўлган 7 та йирик ГЭС фойдаланишга топширилди. Бунинг ҳисобига аҳолига таъминлашга 7 миллиард киловатт-соатга етказилади.

Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, муваққаслар томонидан гидроэнергетикада қўшимча 1 минг мегаваттлик захира аниқланган. Мисол

учун, Норин дарёсига каскадлар қуриб, 230 мегаваттлик қувватларни ишга тушириш ва Намангандаги 450 минг аҳоли учун етарли электр ишлаб чиқариш мумкин.

Келгуси йилда қуёш ва шамол электр станциялари қуввати 3,5 минг мегаваттга етади. Бунда электр, асосан, қундуз кун ишлаб чиқарилиши ҳисобига, энергетика тизимида ростловчи қувватларга эҳтиёж ортади. Шу боис давлатимиз раҳбари 2030 йилни кутмасдан, режадаги 6 минг мегаваттлик станцияларни қуриш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳаларга хусусий шериклик асосида хорижий энергетика компанияларини жалб қилиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари Президентимизнинг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Йиғилишда энергетика тизимида шу борадаги ишларга тўхталиб ўтилди.

Сўнгги беш йилда мазкур тармоқ ва трансформаторларни модернизация қилишга 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жорий йилда Тошкент шаҳридаги энергетика инфраструктурасини модернизация қилиш бўйича катта дастур бошланди.

Шунингдек, ҳар бир вилоятда куз-қиш талафот ўтказиш учун камда 10 миллиард сўмдан захира шакллантирилмоқда. Бу маблағлар ёвазига трансформатор, сим ва бошқа эҳтиёт қисмлар янгилаб борилади.

Умуман, ҳудудлардаги 33 мингта трансформатор ва 122 минг километр электр тармоқлари эскирган. Бу ҳолат, айниқса, Тошкент, Наман-

ган ва Сирдарё вилоятларида кўп. Жорий йилнинг 9 ойида жами ишлаб чиқарилган электрнинг 12 фоизи йўқотилган.

Шу боис эскирган трансформатор ва тармоқларни янгилаш, электр йўқотишларини йилгига 1-2 фоиздан камайтириб бориш зарурлиги таъкидланди.

100 мингдан ошқ улгуржи истеъмолчилар ҳамда 648 мингта янги хонадон электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланганини қайд этилиб, бу борада тегишли кўрсатмалар берилди.

Айрим ҳудудларда қозонхона ва иссиқлик тармоқларини таъмирлашда қолдиқлар борлиги айтиб ўтилди. Ижтимоий соҳа муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳолати ҳам яхши эмас. Энергия сарфи юқори бўлган қозонларни янгилаш режаси тиббиёт муассасаларида 62 фоизга, боғчаларда 54 фоизга, мактабларда 40 фоизга бажарилган, ҳолос.

Мутасаддиларга таъмирлаш ва модернизация ишларини жадаллаштиришга барча куч ва воситаларни сафарбар қилиш бўйича топширик берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасалари ҳаётга изчил татбиқ этишга бериш масалаларига тўхталиб ўтилди. Бу борада қўшимча захира яратиш, хусусий секторни ҳам жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилган қўримни юқори нархларда бекор қилишга йўл қўймаслик бўйича қатъий кўрсатма берилди.

Ў.А.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Франция Республикаси Президентини Эммануэль Макрон 1-2 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Самарқанд шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади. Уларда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади.

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари икки мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари иштирокидаги қўшма бизнес форуми ишида ҳам иштирок этадилар.

Саммит якунида бир қатор ҳужуматларро ва идоралараро битимлар ҳамда савдо-инвестициявий келишувлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — Франция: ЎЗАРО ЯҚИНЛАШУВ ЙЎЛИДА

Франция Президенти Эммануэль Макрон 1-2 ноябрь кунлари ташриф билан Ўзбекистонга келади.



Ўзбекистон ва Франция ўртасида 1992 йил март ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривож топиб бормоқда.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 8-9 октябрь кунлари Францияга амалга оширган расмий ташрифи ўзаро муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 21-22 ноябрь кунлари Францияга олий даражадаги учрашув ва музокараларга бой бўлган иккинчи ташрифини амалга оширди. Ушбу ташриф доирасида Франция Миллий Ассамблеяси раиси Яэль Брон-Пиве, Франциядаги етакчи компания ва молия институтларининг вакиллари билан ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Тараққиёт стратегияси Франция раҳбарининг ислохотлар дастури билан яқинлиги, йирик халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда икки давлат ёндашувларининг ўхшашлиги Ўзбекистон — Франция муносабатларининг янги ўлчами бўлиб қолди.

Кўнун лойиҳаси янги таҳрирдаги Конституцияимизда белгиланган нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжат билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан 40 фоизга ошириш назарда тутилмоқда.

Ў.А.

Сенат Кенгашида

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева олиб борди.

Мажлисида Сенат ишчи гуруҳи томонидан шу йил 16 — 19 октябрь кунлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини ўрганиш натижалари атрофида ва танқидий муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мазкур икки вилоят ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик, инновация технология ва инфратузилмаларни жадал суръатда кенгайтириш ҳамда вилоятларнинг тарихий қиёфасини янада кўркам ва обод қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро вилоятида 2023 йилнинг январь — сентябрь ойларида янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 37,1 трлн. сўми, ўсиш суръати 4,3 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, sanoat ишлаб чиқариш ҳажми — 6,

3

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова Жаҳон банки катта иқтисодчиси Икуо Уочи хоним билан Ўзбекистонда гендер тенгликни баҳолаш бўйича ҳисобот тақдимоти юзасидан учрашув ўтказди.

Учрашув

Унда сенаторлар, Жаҳон банки ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасида стратегик ҳамкорлик йўлига қўйилган бўлиб, бир қанча йўналишларда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

3

Мулоқот чоғида инсон капиталини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масаласи ҳамда ташкилот томонидан олиб борилаётган лойиҳаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СИЁСИЙ ФАОЛЛИК, ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб ўтган ҳафтада мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлиб ўтган муҳим воқеалар, жумладан, давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунларидан келиб чиқувчи устувор вазифалар, шунингдек, Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ депутатларнинг ҳудудларда сайловчилар билан ўтказган учрашувлари, уларда аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг депутатлар хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, сайлов ҳамда референдум ўтказиш тартибининг янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини қизгин муҳокама қилди.

Давлат ва жамият ишларини бошқаришда хотин-қизлар роли мустаҳкамланади

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси

ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси янги таҳрирдаги Конституцияимизда белгиланган нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжат билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан 40 фоизга ошириш назарда тутилмоқда.

3

Президент ташрифидан сўнг

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРНИ ЯНГИ МАРРАЛАР, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР САРИ УНДАМОҚДА



Қашқадарё деганда, кўз ўнгимизда ястаниб ётган қир-адирлару виқорли тоғлар, ноз-неъматларга тўла боғу роғлар, энг муҳими, оддий ва самимий, Жануб қуёшида тобланган зуваласи пишқиб одамлар гавдаланади.

Бугун улкан имконият ва салоҳиятга эга бу воҳага ташриф буюрсангиз рўй бераётган ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратингиз ошиши, шубҳасиз. Вилоятда кейинги 6-7 йил ичида амалга оширилган ҳаётбахш лойиҳалар туфайли шаҳару туман марказларидан тортиб, энг чекка қишлоқларгача мутлақо янгича қиёфа касб этди.

Халқпарвар сиёсат самараси

Оддий одамлар ҳаёти, ўй-фикрлари, эртанги кундан орзу-умидлари қандай? Улар мамлакатда кечаётган туб ислохотларни, янгиликни ва юксалишларни ўз турмушларида қай даражада ҳис қилишяпти? Президентимизнинг

24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида айнан шу масалаларга эътибор қаратилди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш, туманларни sanoatлаштириш, иш ўринларини кўпайтириш, ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш биринчи галдаги вазифалар эканлиги таъкидланди.

4





СИЁСИЙ ФАОЛЛИК, ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТИ

ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Бухоро вилоятида 351,3 млн. долларлик ва Қашқадарё вилоятида 245,5 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий кредит ва инвестициялар ўзлаштирилган. Худудий экспорт прогнози кўрсаткичлари ижроси доирасида маҳсулотлар экспорти ҳажми Бухорода 158,1 млн. долларни ва Қашқадарёда 250 млн. долларни ташкил этган.

Ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича Бухорода 1,4 трлн. сўмлик ва Қашқадарёда 838,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида Бухоро вилоятида 4,5 мингта ва Қашқадарё вилоятида 5 мингта яқин янги кичик тадбиркорлик субъектлари очилган.

Бухорода "аёллар дафтари"га киритилган 56 минг ва Қашқадарёда 86 мингдан зиёд хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилган.

Худудий бандлик дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси натижасида Бухоро вилоятида 336,1 миң, Қашқадарё вилоятида эса 439,3 миң кишининг бандлиги таъминланган. Маҳаллабй ишлаш тизими асосида ҳоким ёрдамчилари кўмагида Бухорода 1641 та, Қашқадарёда 1906 та микро-лояха рўёбга чиқарилган.

Муҳокама жараёнида амалга оширилган шу синга ижобий ишлар билан бир қаторда ечимини қутаётган айрим камчилик ва муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, Деҳқонobod туманида сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Таъкидландики, бугунги кунда давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Шу муносабат билан меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларнинг давлат ишларини бошқаришдаги ролини ошириш, ёшлар сиёсати

Таъкидландики, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонуналар аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мажлисида бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ошиб бораётгани, давлат бошқарувидаги иштироки янада кенгаётгани хусусида тўхталиб ўтилди. Бир мисол, айни пайтда Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизини, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 25 фоиздан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Аёл депутатлар палатанинг норма ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, фракциялар ва кўмиталар томонидан олиб борилаётган ишларда фаоллик кўрсатиб келаётгани таъкидланди. Жумладан, тўртинчи қақир Кўнчилик палатаси фаолиятининг ўтган даврида, яъни 2020 — 2023 йиллар давомида аёл депутатлар 23 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва парламент муҳокамасига киритишда бевосита қатнашган.

Эътироф этилганideк, бу, ўз навбатида, давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қонуналар ва қарорларнинг қабул қилинишида хотин-қизларнинг сўзи, фикри инобатга олинаётганини кўрсатмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хотин-қизларнинг вакиллик органларидаги ҳамда уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминлаш борасидаги ҳаракатлари янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Мажлисида ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қабул қилинди.

Конституциявий қонун лойиҳаси тақлифлар асосида такомиллаштирилди

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш, Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамаси кизгин кечди. Сабаби ўтган икки йили мажлисида ундаги ҳар бир норма атрофлича муҳокама қилинди.

Кўмига йиғилишларида долзарб аҳамият касб этган ва асосли деб топишган тақлифлардан қонун лойиҳасини такомиллаштиришга фойдаланилган. Мазсўл кўмига қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида ташаббускор депутатлар ҳамда мутахассислар билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида айрим бўлиқлар аниқланиб, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлдиришга қаратилган қонунлар киритилган. Жумладан, қонун лойиҳасининг концепциясида сайловларни профессионал тарзда ташкил қилиш ва ўтказишга қодир бўлган сайлов органларининг вертикаль тизимини тузиш тақлиф этилган. Шу боис лойиҳа билан эн-

дилда барча даражадаги сайлов комиссияларининг ваколатлари Сайлов кодексига аниқ очиб берилмоқда. Бирок кодексда белгилаб бўлмайдиган ташкилий-техник масалалар, аниқроғи, сайлов комиссияларида иш юритиш тартиби ким томонидан белгилиниши очик қолиб кетган эди. Шундан келиб чиқиб Сайлов кодексининг 26-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилиб, унда "худудий, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларида иш юритиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгилиниши" аниқ кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, лойиҳадан айрим қисм-қисмини такрорлаётган қонунлар чиқариб ташланди. Шу билан бирга, Конституциявий қонун лойиҳаси билан партия рўйхатидаги кетма-кетликда камидан ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл бўлиши назарда тутилди. Бу эса гендер тенглигини таъминлашга, хотин-қизлар ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга имкон беради.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштириш, парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўйиш ҳамда ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки ва ролини оширишди.

Мажлисида Конституциявий қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Гулбаҳор САИДФИНИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Айни вақтда сиёсий майдонда опа-сингилларимизнинг фаоллиги ошганлиги қувончли, албатта. Буни сиёсий партиялар аъзоларидаги аёлларнинг салмоғини билдириш мумкин. Жумладан, барча сиёсий партиялар аъзоларининг қарийб 46 фоизи аёллардан иборат. Партиялардаги раҳбар аёллар салмоғи 648 нафарни ёки 36 фоизни ташкил этади.

2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сабида 40 фоиздан 47 фоизга, тадбиркорликда эса 21 фоиздан 37 фоизга етди. Бунинг барчаси юртимизда кейинги йилларда хотин-қизларга берилган имкониятлар, яратилган шароитлар натижаси, десак, айни ҳақиқат.

Мажлисида муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизга белгиланган нормаларни ҳаётга ижтимоий таътибга қаратилгани билан эътиборга молик.

Ишончим комилки, мазкур ҳужжат конституциявий нормаларнинг амалда кенгроқ таътиб этилишига, аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ролини кучайтириш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Нодир ТИЛЛОВДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Қайд этиш жоизки, бутун дунё парламентларини бирлаштирган Парламентлар Иттифоқи ҳам хотин-қизларнинг қонун ижодкорлигини кучайтириш ва уларнинг бу борадаги ролини ошириши ўзининг кун тартибидан энг муҳим масалалардан бири этиб белгиланган.

Жорий йилда тарихда илк бор, барча парламентларда аёллар ўрин олишига эришилди, дунё парламентларидаги уларнинг улуши 26,5 фоизни ташкил этмоқда. 2022 йилда ўтказилган 47 мамлакатдаги парламент сайловларида аёллар 25,8 фоиз ўринни эгаллаган. Бу олдинги йилдагига нисбатан 2,3 фоизга кўп.

Парламентдаги аёллар вакилликнинг ошиши депутатликка кўрсатилган номзодлар умумий

Сенатдаги мухбиримиз хабар қилади

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ НЕГА ОРТМОҚДА?

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланишнинг олдини олишга оид қонунчиликка риоя қилиниши ҳолати юзасидан Фавқулодда вазиятлар, Энергетика, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликлари ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуриндаги Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъул ходимларининг ахборотлари эшитилди. Айни чоғда кўмига томонидан мазкур йўналишда ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш, табиий ва суолтирилган газ, қаттиқ ёқилғи ёки нефть маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Шунга қарамай, 2020 — 2022 йиллар ва шу йилнинг 9 ойи давомида ис газидан заҳарланиш билан боғлиқ 245 та нохуш ҳолат юз бериши оқибатида 200 киши шикастланган, 421 нафар фуқаро ҳалок бўлган. Энг ёмони, бу каби фожиалар тобора кўпайиб бормоқда.

Сенаторлар бундай ҳолатларга соҳада ҳамон сақланиб қолётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сабаб бўлаётганини айтиб ўтишди.

Хусусан, яқна тартибдаги уй-жойлар,

газ плиталари, иситиш қозонлари, дудбуронлар ва вентиляция тизимини таътибдан ўтказиш ва профилактика хизматлари кўрсатишни тизимли ташкил этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бирок шу кунга қадар мазкур хизматларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Бу эса иш мутахассиси бўлмаган ходимлар томонидан сифатсиз ва юзак бажарилишига олиб келаётди.

Қолаверса, тураржойлардаги газ жиҳозлари, иситиш қозонлари, дудбурон ва вентиляция тизимини техник таътибдан ўтказиш ва профилактика хизмати кўрсатишни тизимли ташкил этишга оид қонунчиликда ҳам ҳуқуқий бўлиш мавжуд. Масалан, ис гази билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга ахил норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқлиги боис бу борадаги ваколатли давлат органи аниқ эмас.

Ҳукуматнинг 2021 йилдаги тегишли қарорида тураржойлардаги дудбурон ва шамоллатиш каналлари техник ҳолатини таътибдан ўтказиш, аниқланган носозликларни бартараф этиш ҳамда бу соҳада профилактика хизматларини кўрсатиш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юкланган бўлса-да, мамлакатимиздаги 7,5 миллиондан

ортиқ хонадонларни тўлиқ қамраб олиш ва ушбу вазифани амалга ошириш учун вазириликнинг техник имконияти йўқ. Соҳа бўйича мутахассис ходимлар йўқлиги сабабли ҳам ҳуқуқий асоси бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар хизматидан фойдаланиб келинмоқда. Камига газда ишловчи қурилмаларни ўрнатиш ва таъмирловчи мутахассисларга махсус рухсатнома берувчи тизим бажарилишига олиб келаётди.

Яна бир муаммо шундан иборатки, айни пайтда дудбурон ва шамоллатиш каналларини тозалаш, синовдан ўтказиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келаётган 200 дан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан таътиб-назорат ўрнатилмаган, улар ходимлари аттестациядан ўтказилмасдан қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ортидан янги муаммоларни етаклаб келаётди. Яъни амалдаги қонунчиликда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказилган техник кўрикнинг сифати учун жавобгарлик масаласи белгиланмагани сабабли бу субъектлар мутахассислари томонидан аҳолига ёлғон маълумот бериш, тамағирлик каби қонунбузарликлар ҳам содир этиляпти. Пировардида мутахассис бўлмаган ходимлар томонидан мўайян маблағ эвазига, ҳатто хонадон-

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВАЗИРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Кейинги йилларда замонавий телекоммуникация инфратузилмасини барпо этиш, телекоммуникациялар соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, соҳада хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари ўртасидаги "рақамли тафовут"ни бартараф қилиш мақсадига мамлакатимиздаги барча аҳоли яшаш пунктини телекоммуникация хизматлари билан қамраб олиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, ўтган даврда соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Натижада телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лицензия бериш тартиби соддалаштирилди. Лицензия берганлик учун давлат божи тўлови камайtirилди.

Аҳоли яшаш пунктларини телекоммуникация хизматлари билан қамраб олиш доирасида республика бўйлаб оптик толали алоқа линиялари ётқизишмоқда, мобил алоқа операторлари томонидан қўшимча база станциялари ўрнатилляпти.

Соҳадаги ютуқлар билан бирга

бугунги кунда 100 га яқин олис ва бориш қийин бўлган аҳоли яшаш пунктларига телекоммуникация тармоқлари етиб бормаган ва халқ-ор аҳамиятга эга автомагистраль йўллар тўлиқ мобил интернет билан таъминланмаган. Телекоммуникация хизматларини аҳолига тақдим қилишда давлат тилига тўлиқ риоя этилмаслик ҳолатлари аниқланмоқда.

Аҳолининг сифатли телекоммуникация хизматларига бўлган талабини ошириш борасида ҳамда Ўзбекистонни минтақавий IT марказга ай-

Сўз — депутатларга

бўйича комиссия, Ёшлар парламенти томонидан ҳам бир қатор асосланган тақлифлар тақдим этилди. Жамоатчилик муҳокамалари давомида қонун лойиҳаси юзасидан 400 га яқин тақлиф-мулоҳазалар келиб тушди. Ҳар бир тақлиф масъул кўмига томонидан чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг асосли деб топишлари лойиҳада акс этди.

Хулоса ўрнида айтганда, Конституциявий қонун мамлакат ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисида кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан 40 фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилаётгани эътиборга молик. Бу, ўз навбатида, юртимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси.

Мазкур ҳужжат, шубҳасиз, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ишларини бошқаришдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мажлисида қабул қилинган Конституциявий қонунда аралаш сайлов тизимига ўтилиши муносабат билан мажоритар ва пропорционал сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий механизми очиб берилмоқда. Сайлов комиссияларининг вертикаль тизимини назарда тутувчи парламентдаги ролини янада оширишга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва раван тилда етакчи мақсадида кўйи палата депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги вакилларида иборат тарихида тарғибот гуруҳлари тузилди. Улар томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда ушбу ҳужжат юзасидан даъватлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида муҳокамалар амалга оширилди.

Уларда олимлар, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар ва умуман, ислохотларга бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этди ҳамда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Аксарият фуқароларимиз тақлиф қилинган янги сайлов тизимини қўллаб-қувватлашди, унинг рўёбга чиқарилиши партияларнинг халқ билан алоқасини кучайтириши эътиборга этилди.

Қолаверса, Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари, Ёшлар

Мажлисида кўриб чиқилган Конституциявий қонунда аралаш сайлов тизимига ўтилиши муносабат билан мажоритар ва пропорционал сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий механизми очиб берилмоқда. Сайлов комиссияларининг вертикаль тизимини назарда тутувчи парламентдаги ролини янада оширишга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва раван тилда етакчи мақсадида кўйи палата депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги вакилларида иборат тарихида тарғибот гуруҳлари тузилди. Улар томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда ушбу ҳужжат юзасидан даъватлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида муҳокамалар амалга оширилди.

Уларда олимлар, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар ва умуман, ислохотларга бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этди ҳамда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Аксарият фуқароларимиз тақлиф қилинган янги сайлов тизимини қўллаб-қувватлашди, унинг рўёбга чиқарилиши партияларнинг халқ билан алоқасини кучайтириши эътиборга этилди.

Қолаверса, Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари, Ёшлар

Мажлисида кўриб чиқилган Конституциявий қонунда аралаш сайлов тизимига ўтилиши муносабат билан мажоритар ва пропорционал сайловларни ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий механизми очиб берилмоқда. Сайлов комиссияларининг вертикаль тизимини назарда тутувчи парламентдаги ролини янада оширишга қаратилган нормалар акс эттирилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва раван тилда етакчи мақсадида кўйи палата депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги вакилларида иборат тарихида тарғибот гуруҳлари тузилди. Улар томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда ушбу ҳужжат юзасидан даъватлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида муҳокамалар амалга оширилди.

Уларда олимлар, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар ва умуман, ислохотларга бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этди ҳамда ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Аксарият фуқароларимиз тақлиф қилинган янги сайлов тизимини қўллаб-қувватлашди, унинг рўёбга чиқарилиши партияларнинг халқ билан алоқасини кучайтириши эътиборга этилди.

Қолаверса, Қонунчилик палатасидаги депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари, Ёшлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази

Мазкур қарорда кўйилган алоҳида кўрсатиб ўтилган: бир ой муддатда масъул вазирлик ва идоралар томонидан қайд этилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган идораларга "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; "Йўл харитаси"ни ижроси юзасидан қатъий назорат ўрнатилиши; икки ой ичида аҳоли ўртасида ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олишга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиши; тақлифларни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши.

Мажлисида айтиб ўтилганидек, мазкур қарор ҳамда ишлаб чиқиши белгиланган "Йўл харитаси" ижроси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси назоратида бўлади. Шунингдек, ҳар ойда мутасадди вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолияти таҳлил қилиб борилади.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ («Халқ сўзи»).

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ҲАЁТБАХИШ ИСЛОҲОТЛАР

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАРНИ ЯНГИ МАРРАЛАР, ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР САРИ УНДАМОҚДА

1 Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳар бир масала бўйича бевосита жойларга чиқиб, халқнинг фикрини тинглаб, реал вазиятдан ҳулосалар чиқариб, қарорлар қабул қилади. Бу — мамлакатимизда олиб борилаётган халқпарвар сиёсатнинг ҳаётий ифодасидир. Қашқадарёга амалга оширилган таширф ҳам бундан мустасно эмас.

Таширф давомида Президентимиз ишлаб чиқариш корхоналари билан танишиш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича кўрсатмалар берди, маҳалла-ларда, хонадонларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилди, уларнинг турмуши, орзу-умидлари билан қизиқди.

Шундай мулоқотлардан бири Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласида яшовчи тадбиркор Дилшод Набиев хонадонида бўлиб ўтди. Рафикаси Хуррият Жўраева ва икки нафар фарзанди билан кўп қаватли уйда истиқомат қилиб келаётган Дилшодбек қутилмаганда Президент Шавкат Мирзиёев меҳмон бўлиб уйига келганини сўзлаб берад экан, ҳаяжонини яширолмади.

— Биласизми, мен оддий тадбиркорман, — дейди у. — Музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини савдо нуқталарига етказиб бериш билан шугулланаман. Топганим рўзгоримга етиб турибди. Ўғлим Мустафобек 4 ёшда, қизим Дурдонахон 6 ёшда. Уйимизга давлатимиз раҳбарининг кириб келиши, бир пиёла чай устида худди қадрдонлар каби дўстона суҳбат қуриши дилимизни яйратиб юборди. Юртбошимиз бизга ўз яқинидек муносабатда бўлиб, фарзандларимизни бағрига босди, ўғлим Мустафобекни қучоғига олиб, тўй қилсангиз бизга ҳам айтинг, деди. Мамлакат раҳбарининг оддий бир оилага эътибор қаратиб, берган насиҳатлари бир умр ёдимизда туради. Ҳозир ёшим 36 да. Президентимиз насиҳатларига қулоқ тутиб, албатта, билмаганларимни ўқиб-ўрганам, бизнесимни ривожлантираман, Қашқадарё иқтисодий ҳисса қўшадиган лойиҳалар устида иш олиб бораман.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг вилоятга таширфи қутулган воқеаларга бой бўлди. Хусусан, Қарши тумани маркази — Бешкент шаҳридаги 12-мактаб жамоаси ҳам бу таълим масканига Президент шахсан таширф буюради, деб ўйланмаганди.

— Юртбошимиз билан суҳбатда нафақат таълим соҳасидаги ютуқлар, балки камчиликлар ҳақида ҳам фикр алмашилди: мактабда дарслар икки сменада ўтилиши, битирувчиларимизнинг олий ўқув юрталарига кириш даражаси пастлиги, иситиш тизимидаги носозликлар ва бошқа масалаларда мулоҳазалар билдирилди, — дейди мактаб директори Муҳаббат Чориева. — Биз йўл қўйган камчиликларимизни англаб етдик, уларни бартараф этиш йўлларини эса давлатимиз раҳбари кўрсатиб берди. 1300 нафарга яқин ўқувчиларга эга мактабимизда дарсларнинг бир сменага ўтказиш учун қўшимча ва бўш турган биналардан фойдаланиш тавсия этилди. Президентимиз синф хоналарига қириб, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан ҳам мулоқот қилди.

Очиги, бу учрашувдан сўнг ўз ишимизга иштиёқимиз янада ортди. Мактабимизни энг намунали таълим муассасаларидан бирига айлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишга файр-шиқоят уйғонди.

Мақсад — оналар ва болалар саломатлиги

Вилоятда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тажриба сифатида Қарши шаҳрида “Она ва бола саломатлиги” илмий-амалий тиббиёт маркази фаолият бошлагани оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, чақалоқларнинг соғлом туғилиши ва униб-ўсишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур марказга таширф давлатимиз раҳбарининг бу масалага катта эътибор билан қарашига яққол далилдир.

— Муассасамиз перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик марказлари ҳамда шаҳар туғуруқ комплексининг бирлашувидан ташкил топган, — дейди марказ раҳбари Саломат Очилова. — Илгари туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёллар кўриқдан ўтишда жуда қийналишган. Баъзи аёлларга юриш мумкин бўлмаган ҳолда қийналиб, шаҳарнинг турли нуқталарига қатнашга мажбур бўлишган. Бугун туртала марказ бир жойда ҳам бўлди ва бу билан аёллар учун жуда катта қулайлик яратилди.

Саломат Очилованинг айтишича, Президентимиз марказда ишлаётган шифокорларни чет элларда ўқитиш, малакасини ошириш, керак бўлса, хорижий мутахассисларни шу ерга олиб келиб, тажриба алмашиши ташкил қилиш лозимлигини, бунинг учун қанча маблағ керак бўлса, ажратиб берилишини таъкидлаган.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Беларусда оналар ўлими йўқ эканини айтиб, шу мамлакат тажрибасини ўрганишни тавсия қилган. Қашқадарёда эса жорий йилнинг 8 ойида афсуски, 9 та ўлим ҳолати рўй берган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 тага кам бўлса-да, ҳар бир она ва боланинг ҳаёти азийдир. Мақсад — бундай ҳолатларнинг мутлақо бўлмаслигига эришиш.

Саноат тараққиётидаги муҳим қадамлар

Қашқадарё вилоятининг салоҳияти катта — замани фойдаланиб қозилмағари бой. Муҳими, ҳалол, танти, меҳнаткаш халқи бор. Бу тадбиркорлик соҳасида ҳам тўла-тўғис ўз аксини топмоқда.

Президентимиз Қарши шаҳридаги ана шундай субъектлардан бири — “Қавали” кичик саноат зонасида ҳам бўлди. Бу тузилмага 2020 йилда асос солинган бўлиб, умумий майдони 6 гектарни ташкил этади. Бугунги кунда бу ерда енгил саноат, мебеласозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлга ишлов бериш ва шу каби 10 та лойиҳа рўёбга чиқарилган. Жумладан, 2022 йилнинг май

ойида “Alptom” масъулияти чекланган жамияти томонидан “сендвич панел”лар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик қувват ишга туширилган эди. Қарийб 9 млрд. сўм маблағ эвазига барпо этилган ушбу заводда бугунги кунда нафақат “сендвич панел”лар, балки яна кўплаб турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ўзлаштирилди.

— Айни пайтда корхонамизда 4 хилдаги “сендвич панел” ва профнастил, металл черепица, турли дизайн ва ўлчамдаги туңука буюмлар ишлаб чиқаришмоқда, — дейди корхона иш юри-

ти 1 394,7 минг сўмни ташкил этмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 4 372,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 21,4 фоизга етди.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида бажарилган 37 та лойиҳа бўйича

вида мактаб йўқ эди, — дейди “Истиқлол” МФЙ раиси Гулчехра Жўраева. — Бу ерда яшовчи мингдан ортиқ оилалар фарзандларини қўшни худудлардаги мактабларда ўқитишарди. Фарзандларимиз 10 — 15 қажирим узоқликдаги мактабларга қатнар ва бу ота-оналар учун оғриқли муаммо эди. Шу боис янги мактабнинг фойдаланишга топширилиши маҳалла аҳли учун катта шодийнага айланди.

Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Китоб туманининг Янги замон маҳалласи худудида “East dream engineering” МЧЖ томонидан “Shahri Kesh city” янги тураржой

монавий, зарур қулайликларга эга, қисқа айтганда, харидорнинг талабига мос уй-жой мажмуаларини барпо этишга ундаётгани сир эмас.

Қарши шаҳрида фаолият юритаётган “Sulton golden house” МЧЖ ҳам вилоятдаги йирик қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. “Sulton tex group” компанияси таркибига қирувчи зўбдорхона янги барпо этилаётган завод ва фабрикалар, иқтисодий-иқтисодий мажмуалар қурилиши билан бир қаторда, хусусий уй-жойлар қурилиши бозорига ҳам фаол иштирок этиб келаётир.

Айни вақтда корхона томонидан Қарши шаҳрининг “Кат” маҳалла фуқаролар йиғини худудида 9 та 10 қаватли ва 6 та 9 қаватли уйлардан иборат йирик уй-жой мажмуаси бунёд этилаётир.

— Мажмуа кичик шаҳарча қўринишига эга бўлади, — дейди корхонанинг масъул ходими Ибодулло Рўзқуллов. — Лойиҳада аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган барча хизматни шу ернинг ўзига жамлашга ҳаракат қилганмиз. Масалан, умумий майдони 4 гектарга тенг бу мажмуанинг энг пастки қисмида 250 та автомобиль сизимига эга вилоятимиздаги биринчи ер ости автотуражгоҳи, биринчи ва иккинчи қаватларида эса савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари, болалар майдончалари ва ўйингоҳлари жойлаштирилди. Юқори қаватлар эса 700 та хонадон учун мўлжалланган икки, уч ва тўрт хонали квартиралардан иборат.

Айни пайтда мажмуа қурилишига 300 нафардан ортиқ ишчи ва мутахассислар ҳамда 20 тадан зўбдорхона техникалар жалб қилинган бўлиб, билонларни барпо этишда замонавий қурилиш материаллари ва технологияларидан фойдаланилмоқда.

Жорий йилда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Хусусан, Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг 1985 йилда қурилган асосий биноси анчанга эскириб қолган эди. 290 ўринга мўлжалланган беш қаватли ушбу бино таъмирлабги боис аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Бу йил уни капитал таъмирлаш учун тегишли инвестиция дастури доирасида 11 млрд. 200 млн. сўм маблағ ажратилди.

— Ушбу маблағ эвазига муассасанинг асосий биноси тўлиқ таъмирланиб, шифокорларнинг иш фаолияти ҳамда беморлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Жонибек Жўраев. — Бундан ташқари, муассаса худудидаги 80 ўринли эски туғуруқ мажмуаси ўрнида 110 ўринли замонавий туманлараро перинатал марказ бунёд этилди.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан яна 630 млн. сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар топширилди.

Сўнгсўз ўрнида: Қашқадарё бугун катта қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Бу нафақат маданий-маиший, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳа объектилари қиёфасида, балки аҳоли тураржойлари, яшаш шароитларининг кўркам, гўзал ва замонавий қурилишига эга бўлиб бораётганида ҳам яққол намоян бўлмоқда. Бинобарин, бу мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан узқини қўзлаб амалга оширилатган ҳаётий ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Бунёдкор қашқадарёликлар бу ислоҳотларга хайрлихона бўлиб, юрт ободлиги ва тараққиётига астойдил ҳисса қўшмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ,
Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»)



2016 йилда вилоятнинг ялпи ички маҳсулоти 20 трлн. 164 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, **2023 йилнинг январь** — сентябрь ойларида 41 трлн. 646 млрд. сўмга етди, йил якунига қадар эса 50 трлн. сўмга ошиши кутилмоқда.

2023 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 трлн. 632 млрд. сўм бўлгани ҳолда **2023 йилнинг январь** — сентябрь ойларида 20,4 трлн. сўмлик кўрсаткични ишғол этди. Йил якунига қадар 25 трлн. сўмга етказиш кўзда тутилган.

2023 йилда экспорт ҳажми 29 млн. доллар бўлган, **2023 йил январь** — сентябрь ойларида эса 250 млн. долларни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичи йил якунига қадар 468 млн. долларга етказиш мўлжалланмоқда.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

5 021,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми 59,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Олис манзиллардаги муҳташам масканлар

Илгари узоқ манзиллар, у ерда яшаётган аҳоли, ижтимоий объектлар эътибордан четда қолиб кетаётган эди. Эндликда эса ҳар бир қишлоқ ва маҳалла давлатимиз эътиборида. Вилоят марказидан қарийб 100 км. масофада жойлашган Муборак туманидаги Истиқлол маҳалласининг “Янги қорақум” массивида лойиҳа қиймати 16,7 млрд. сўмни ташкил этган мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилгани сўзимизга яққол далил.

Тўрт қаватли, 660 ўринга мўлжалланган мактабда ўқувчиларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, бино замонавий ўқув-лабораториялари, компьютер синфлари, турли касбларни ўрганишга мослаштирилган махсус хоналар ҳамда кички ва ёзги спорт майдончаларига эга.

— Бунга қадар “Янги қорақум” масси-

мажмуаси барпо этилмоқда. Қарийб беш гектар майдонни эгаллаган ушбу йирик мажмуада ҳар бири 5 қаватдан иборат 1260 хонадонга мўлжалланган 30 та кўп қаватли уй қад ростилади.

— Мажмуада инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган барча шароит яратилиши лойиҳага киритилган, — дейди Китоб тумани ҳокими ўринбосари Баҳодир Туроев. — Жумладан, мажмуанинг олд қисмидаги 1 ва 2-қаватларда йирик савдо дўконлари, болалар майдончалари, автотуражгоҳлар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жой олади. Билонларнинг иситиш тизими марказлашган ҳолда кўмир ва табиий газ билан ишлашга мослаштирилган ҳамда қуёш панеллари билан таъминланади. Шунингдек, оқова сув тизими Туркия давлатида ишлаб чиқарилган махсус қурилмалар орқали тозаланиб, худуддаги дехқон хўжалиқларининг ер майдонларини суғориш учун йўналтирилди.

Бугун аҳолининг уй-жойига бўлган талабини қондиришда хусусий секторнинг улуши ортиб бораётгани қувонарли, албатта. Бу борада кучли рақобат муҳитининг юзага келгани эса тадбиркорларни янада изланишга, ҳар томонлама за-

РЕКЛАМА

«Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОР!

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 23 ноябрь кuni соат 11.00 да масофадан туриб электрон овоз бериш тизими www.evotuz.uz орқали ўтказилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 09.00 дан 10.55 гача амалга оширилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 19 ноябрь ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@pochta.uz

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Ўзбекистон почтаси” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисида.

Маълумот учун телефон: +998 71 232-00-33.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Қузатув кенгаши.

МАҲАЛЛИЙ КЎМИР МАҲСУЛОТИНИНГ ЯНГИ ТАРИФЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг қарорига мувофиқ “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти ва “Кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ичида сотиладиган кўмир маҳсулоти тарифининг янги миқдори тасдиқланди.

Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-йиғилиш мажлис баённомасининг 4, 5, 6-иловаларига мувофиқ, “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан етказиб берилмайдиган маҳаллий кўмирнинг 1 тоннаси учун тарифи қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича миқдорларни ташкил қилади:

Иссиқлик электр станцияларига

- 2 БОМСШ (0-50) — 365 800 сўм.
- 2 БОМСШ-Б-Б1 (0-50) — 322 800 сўм.
- 2 БОМСШ-Б-Б2 (0-50) — 253 900 сўм.

«Кўмир таъминот» МЧЖ орқали:

Бюджет ташкилотлари учун — 431 400 сўм.
Аҳоли учун — 309 800 сўм.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мазкур янги тарифлар расмий эълон қилинган санадан эътиборан 15 кун ўтган, яъни жорий йил 15 ноябрдан бошлаб қуча қиради.

Изоҳ: мазкур нархлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги

“Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 249- қарорига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиладиган кўмир учун белгиланган. Биржа савдолари орқали сотиладиган кўмир нархлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Товар-хомашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдолари механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4484-қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

«Ўзбеккўмир» АЖ Ахборот хизмати.

«Issizlik elektr stansiyalari» AJ «Toshkent IEM» filiali 2023-yil 14-noyabrden yuridik shaxslar uchun yetkazib berilgan issizlik energiyasi va elektr energiyasi narxlariga haqida iste'molchilarni xabardor qiladi:

1 Gkal issizlik energiyasi uchun QQS bilan birga 375 000 so'm. 1 kv.t.s elektr energiyasi uchun QQS bilan birga 653,0 so'm.

«Issizlik elektr stansiyalari» AJ «Toshkent IEM» filiali.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 872 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқий маълумотларини оқиб олди учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибқолган 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ТАШҚИРИ
Газетанинг тарқатиш бўлимида ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тарқатиш бўлимида ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشرіет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислол Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиев.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشرіет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.32 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6